

ТОШКЕНТ ВОҲАСИНИНГ ИЛК ЎРТА АСРЛАР МАДАНИЯТИ

ТАРИХИДАН

Ф.Э.Тошбоев,

т.ф.н. (PhD), доцент

Л.З. Мамажонов,

ижтимоий- гуманитар фанларни ўқитиш методикаси

(Тарих) 2-босқич магистранти, Жиззах ДПИ

Аннотатция:

Тошкент воҳасининг ilk ўрта асрлар маданияти тарихи мавзусини манбалар ва археологик малумотлар асосида йоритишига ҳаракат қилинган.

Калит сўзлар: Ўрта Осиё халқлари, Эфталийлар ва Буюк Турк хоқонлиги, М.И.Филанович, Шоштепа ёдгорлиги, Қовунчи маданияти, Янги йўл, Қовунчитепа, Вревский, Туябўғуз, Янгийўл қабрлари.

Илк ўрта асрларда Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётида муҳим, кескин ўзгаришлар содир бўлди. Бу даврда кечган кўплаб миграциялар мураккаб ижтимоий-сиёсий вазиятларни юзага келтирган. Бу даврдаги мавжуд дехқончилик воҳаларида аввал қатор мулкдорлар тасарруфидаги маҳаллий, майда ҳокимликларнинг амлоклари ташкил топди. Сўнгра эса ilk ўрта асрларнинг йирик давлатлари, Эфталийлар ва Буюк Турк хоқонлиги таркибига номинал тарзда кирган ушбу ҳокимликларнинг тараққиёти, асосан сиёсий барқарорлик шароитида янада равнақ топди.

Тошкент воҳасидаги антик даврга оид ёдгорликларда ўрганилган моддий ашёларда бу даврда кириб келган сармат, юечжи, хун ва усун қабилалари ҳамда ilk ўрта асрларда кириб келган, хионий, кидарий, эфталит ва турк хоқонлиги даври моддий ва маънавий маданиятига мансуб хусусиятлар кузатилади. Академик А.Р.Муҳаммаджоновнинг эътирофларига кўра, бу даврда, - “шаҳар аҳолиси гавжумлашиб улар, асосан, ҳунармандчилик ва савдо – сотик билан машғул эди. Кулоллик, тўқимачилик, сарроҗлик, мисгарлик, чилангарлик, темирчилик ва заргарлик бу даврда анча мунча ривож топган. Шаҳарларда ҳунармандчиликнинг айрим турларига турклар катта таъсир кўрсатган. Улар сарроҷлик, металл қазиб олиш ва ундан, айниқса, қурол – яроғ ясашга жуда моҳир эдилар. Бу пайтда Ўрта Сирдарё бўйи минтақасида маҳаллий анъаналар асосида тайёрланган ашёвий



манбаларда сифат ўзгаришлари кузатилиб, кўчманчиларга хос хусусиятлар, баъзан эса тўлиқ кўчманчиларга таъллуқли буюмлар учрай бошлайди. Буни ўлка халқлари уй рўзғор буюмларидан тортиб, дафн удумларигача бўлган барча соҳаларда кузатиш мумкин. Бу ҳолат, Қовунчи маданиятининг Тошкент воҳаси халқлари моддий ва маънавий маданиятидан кенг ўрин эгаллаганлигини кўрсатади.

М.И.Филанович, Тошкент воҳасининг қадимги моддий маданиятини ўзида жамлаган Бурганлик маданиятига тааллуқли Шоштепа ёдгорлиги қатламларидаги ўзгаришларни аниқлаб, Қовунчи маданиятининг пайдо бўлиши ҳақида муҳим маълумотлар беради [1]. Унда, Бурганлик маданиятидан Қовунчи маданиятига ўтиш босқичлар аниқланган. Шоштепа-2 босқичи, мил. авв. III-II аср бошлари билан даврланиб, унинг материалларида маҳаллий маданият ичида ўзгариш бўлган (сифат ўзгармаган)лиги таъкидланади. Бурганлик маданиятидан Қовунчи маданиятига ўтишдаги якуний босқич эса Шоштепанинг-3 этапи бўлиб, шу пайтдан маҳаллий маданият намуналарида кўчманчиларга хос ўзгаришлар пайдо бўлиши, олима томонидан Қовунчи маданиятининг вужудга келиши билан боғланади [2,138]. Шоштепа ёдгорлигидаги ўзгаришларга таяниб Тошкент воҳасида янги кўринишдаги маданиятнинг шаклланиб бошлишини мил. авв. II-I асрлар билан белгилайди.

Бу ҳолат қўшни Фарғона водийсидаги моддий маданият намуналарида ҳам кузатилади. Бу пайтда, Куғай-Қорабулоқ маданияти шаклланиб бошлайди ва кейинчалик у бир-биридан фарқ қилувчи уч босқични ўзида намоён қиласди. Бу маданиятга оид археологик материалларда маҳаллий анъаналар билан биргалиқда, чорвадорлар, айниқса, Ўрта Сирдарё бўйи ҳудуди орқали силжиган қабилалар, шунингдек, юечжи қабилаларнинг таъсири ҳам сезилади [3,102]. Тошкент воҳасида кузатилган бу маданият таъсир Уструшона ва Суғд ҳудудларида ҳам сезилади. О.В. Обелченко антик даврга оид Сўғд мозорқўрғонларининг вужудга келишини Орол бўйи ва Қуйи Сирдарё орқали силжиган сарматлар билан боғлайди. Бироқ, Зарафшон ўрта қисмидаги Сазагон, Миронқул ва Оқжартепа каби мозорқўрғонларнинг моддий маданият намуналарида Ўрта Сирдарё бўйи ҳудуди орқали силжиган юечжи, усун ва хун қабилаларининг таъсири кўпроқ сезилади. 1964-1965 ўрганилган III-IV асрларга мансуб, Миронқул (жами 17 та ўрганилган) мозорқўрғонларида марҳумлар бўйра ёки кигизга ётқизилган. Уларнинг боши асосан шимол ёки шимоли-шарққа қаратиб қўмилган. Ҳар бир қабрда сопол идишлар темир



ханжар, пичоқ, камар тўқалар ва бошқалар учрайди [4,83-85]. Бу ушбу мозорқўрғон материаллари, бу жойга, антик даврда кириб келган чорвадор уруғ жамоалари дафн этилганлигидан гувоҳлик беради. Бу пайтда Қовунчи маданиятининг таъсири марказий Сўғднинг маҳаллий туб аҳолиси шаҳарларигача кириб боради. Ушбу олимнинг таъкидлашича, “кириб келганларнинг бир қисми Сирдарё бўйидаги (Сўғдгача бўлган) кулай воҳаларда ўтроқлашган”. Моддий маданият намуналарида сифат ўзгаришлари, кириб келган бу чорвадорларнинг аста-секин маҳаллий аҳоли билан аралаша бошлаганлигини кўрсатади.

Қовунчи маданиятининг таъсири айниқса, дехқончилик воҳаларидағи қулолчилик буюмларида яққол акс этади. Қовунчи маданиятининг илк босқичидаёқ қулолчилик соҳасида тубдан ўзгаришлар юз беради, энди улар мутлақо қўлда ясалган, сопол идишларнинг ости текис, ялпоқ. Идишлар турининг кўпчилиги тиник қизғич-оқиши ангобли, унинг устига тарам-тарам жигарранг ёки қора ранг оқизилган [5, 72-74]. Улар кўза, хурмача, бўйдор хум ва хумчалар бўлиб, уларнинг бўйин қисми торроқ, ёқасимон лаби бироз ташқарига қайрилган, баъзида елкасига хочсимон ёки қўшқават учурчак ёки хоч шаклида тамға босилган. Уларга чизма нақшлар бериш учун тўлқинсимон ва тўғри чизиқлардан фойдаланилган.

Чоч воҳасидаги нафақат чорвадорларга оид ёдгорликларда, балки қишлоқ маконлари ва шаҳар керамика комплексида ҳам сопол қозонлар кўп. Улар қўшқулоқли, қорни чиққан, сферик шаклда, қўпол, сирти қоп-қора, куйган. Уларнинг аланга теккан қисмлари жигарранг оч-қизғич кўринишида бўлиб улар соғ лёсс тупроқ лойидан, оловга бардошли бўлиши учун унга гил, майда туйилган оқтош ва чиганоқлар қўшилган. Бу типдаги сопол қозонлар сармат қабилаларининг прохоров маданиятининг бир қулоқли сопол қозонларига ўхшаб кетади.

Қовунчи-1 сополлари орасида **зооморф дастали кружкалар** қўплаб учрайди. Уларнинг қорин қисми шарсимон, елкадан юқориси бироз ташқарига қайрилган ёки тик кўтарилилган. Кружкалар орасида цилиндрик шаклдаги нусхалари ҳам учрайди. Кружкалар дастасининг юқори қисми ҳайвон фигураси билан яқунланган. Кенг тарқалган сопол идишлардан яна бири елкадан пасти конус шаклидаги косалар бўлиб, уларнинг оғзи кенг, ялпоқ туби торроқ, елкаси конуссимон танасидан ажраб туради. Баъзида улар орасида қўшқулоқли нусхалари ҳам учрайди.



Воҳадаги Шоштепа, Янги йўл, Қовунчитепа, Вревский, Туябўғуз, Янгийўл қабрларидан мозорқўргонларида ўрганилган буюмларда бир-бирига ўхшаш хусусиятлар кузатилади. Мозорқўргонларнинг деярли барчасида уй рўзфор (улар қўпчилиги сопол идишлар), зеб-зийнат, жанг қуроллари ва ҳайвонлар суяклари қўйиш кенг тарқалганигини кўриш мумкин [6, 62]. Ўрганилган мозорқўргонларга тегишли моддий-маданият намуналарининг аксарияти бизнинг давримизгача ўғирланмасдан етиб келган. Мозорқўргонлардаги кулолчилик идишлари асосан жасад бош томони ва ёнига қўйилган бўлиб, уларнинг асосий қисмини кўпроқ кўчманчилар даштларида учрайдиган, кўлда ясалган сопол идишлар ташкил этади.

Мазкур хурмачага ўхшаш идишлар Ўрта Осиёning шимолий минтақаларида кенг ёйилган кўчманчилар моддий маданиятида кўплаб учрайди. Бу хилдаги сопол идишлар милодий I-II асрларга оид Фарғона водийсидаги курум ва муғхоналар ва эрамизнинг I-IV асрларига оид Кугай, Қорабулоқ маданияти ўрта этапларига тааллуқли сопол идишлар ва Бор-Корбаз, Қорабулоқ, Жангаил, Гўрмирон, Исфара каби мозорқўргонларда ҳам кўплаб қайд қилинган [7, 77]. Бу каби яхши пиширилмаган сифати паст, сопол идишлар кўчманчилар даштларида кўплаб учрайди.

Бу сопол идишлар ўзининг барча хусусиятларига кўра, Қовунчи маданияти сопол идишларига ўхшаш бўлиб, унинг сирти сариқ (баъзи жойлари жигарранг) ангоб билан бўялган. Ясалиш усулига кўра у ҳам ўтрок аҳоли усталари томонидан ясалган сопол идишларни эслатади. Идишлардаги бунга ўхшашик Фарғона водийси ёдгорликларидаги сопол идишларда ҳам мавжуд. Аслида чорвадорларда ҳунармандчилик юқори даражада тараққий этган. Бу ҳолатни қўшни қабилалар, кейинчалик Уструшонага ҳам келиб жойлашган юечжилар моддий маданияти билан таққослаб кўрсак масала янада ойдинлашади[8, 191-192]. Бунга ўхшаш хусусиятлар нафақат Тошкент воҳаси балки, Уструшонада ўрганилган кулолчилик идишларида ҳам кузатилади. Бу ҳолат таҳлил қилинаётган кулолчилик идишларида антик даврда кириб келган юечжиларнинг ҳам таъсири борлигини кўрсатади.

Юқорида санаб ўтилган кулолчилик маҳсулотларида Қовунчи маданиятининг таъсири кучли сезилади. Академик Аҳмадали Асқаров ушбу маданиятига оид сопол идишларнинг умумий таърифини қўйидагича келтирадилар, “Қовунчи маданиятининг аксарият қўпчилик сопол идишлари хум ва тухумсимон хумчалар, дастаси ҳайвон фигурали кружка ва хурмачалар Бурғулиқ керамикаси билан генетик жиҳатдан боғланмаган. Қовунчи маданиятининг



хум ва хумчалари бўғзи остида учбурчак, илон изи, схематик ҳайвон сифат расмлар ва хоч шаклидаги тамғалар учрайди. Хум ва хумчаларнинг елкаси нишаб, ташқарига қайрилган, гардиши юмалоқ ёки учбурчаксимон шаклда якун топган. Елка ва бўғзини бирлаштирувчи дастаси баъзида ҳайвон шаклида ишланган. Унинг қарама-қарши томонида трубасимон жўмраги жойлашган. Қовунчи маданияти хурмачалари ва кружкалари жўмраксиз, аммо дасталари ҳайвон шаклида ишланган. Сопол идишлар таркибида катта ва кичик ҳажмдаги мискалар, флягалар, товалар, чироқдонлар, қўчкор бошли сопол қозон тагкурсилари қозон ва идиш қопқоқлари учрайди” [9, 312]. Умуман олганда, ўрганилган сопол идишларнинг барчасининг ясалиш технологияси, шакли ва сиртига берилган безакларида юқорида таърифланган хусусиятлар мавжуд.

Тошкент воҳасидаги Ворух ва Қорамозор мозорқўрғонларида бошка ёдгорликлардан фарқли равишда металлдан ишланган жанг қуроллари кўпчиликни ташкил этади. Ханжарлар тутқичида ёғоч даста излари сақланиб қолган. Ханжарлар шакли бир –бирига ўхшаш бўлиб, тифи учига томон кескин қисқариб борган. Дастасининг бир қисми сақланиб қолган, унда тифни мустаҳкамлашда ишлатилган михчалар ҳам қайд этилди. Мазкур тифли қуролга ўхшаш ханжарлар Бишкент водийсидаги Тулхар, Бобашев қабристонларидан, Уструшонадаги Ғулбо ҳамда мил. авв. I асрга оид Лавандоқ мозорқўрғонларида ўрганилган. Ёғоч тутқични темир дастага қотиришда ишлатилган мих (скоба)лар эса Ачамойли мозорқўрғонлари ва Қанка шаҳар ёдгорлиги шахристонидан ҳам ўрганилган. Юқорида келтирилган топилмалар мил. авв.ги II-I ва милодий I асрлар билан даврланади [10, 66-73].

Мозорқўрғонлардан топилган қиличлар ҳам ясалиши ва шаклига қўра, бир-биридан кўп фарқ қилмайди. Бунга ўхшаш қиличлар мил. авв. II-I асрларга оид Бишкент водийсидаги Тулхар, Бобашев қабристонларида, Сўғд воҳасидаги мил. авв. II-I асрларга тааллуқли Лавандақ, Оқжартепа, Оғалиқ қабристонларидан, мил. авв. IV-II асрларга оид сарматлар қабрларидан ҳамда, жанубий Уралдаги мил. авв. II-асрга оид Бешнуеаровский мозорқўрғонларида ҳам ўрганилган.

Тавсиф баёни берилган моддий манбалар мозорқўрғонлар даврий санасини белгилашда устивор хусусиятларга эга сопол идишлар, Л.М. Левинанинг Ўрта Сирдарё бўйи сопол идишлари классификациясида, Қовунчи маданиятининг биринчи ва иккинчи босқичларида Сирдарёнинг қуи қисмидан кириб келган



“Жети-Осор” жамоаларининг таъсири кучли бўлганлиги, учинчи босқичда эса, худудга ўтрок воҳа Сўғд таъсирининг кучайганлиги [11, 89] тўғрисидаги фикрини тасдиқлайди.

Шундай қилиб Тошкент воҳасида Қовунчи маданиятининг 1- босқичи мил. авв. II асрда шаклланиб бошлаган ва милодий II асрларгача давом этган. Қарийиб 400 йил давомида янги маданиятга хос кўринишлар нафақат кулолчилик маҳсулотларида, балки маданият этник ва маънавий соҳаларига таъсир кўрсатган. Бундан ташқари, Қовунчи I га хос хусусиятлар мъеморий–курилиш мажмуасида ҳам кўринади. Бу пайтда аҳолининг воҳалар бўйлаб жойлаша бориши билан бир пайтда, инновация сифатида, Қанка, Шоштепатепа қаби монументал мудофаа иншоатлари пайдо бўлади, археологик комплекс таркибида туб сифат ўзгаришлари юз беради, маҳаллий аҳоли орасига чорвадор туркий тилли этник гурухларнинг кириб келиши янада жадаллашади.

Қовунчи маданиятининг кейинги босқичи Қовунчи II га хос характерли хусусиятлардан бири кулолчиликка секин айланувчи кўл чархини кириб келиши бўлди. Натижада, аввалги қўпол ишланган идишлар ўрнини, эндиликда нисбатан хушбичим, юпқа идишлар ишлаб чиқариш эгаллади. Сопол идишлар комплексида аввал маълум бўлмаган, жетиасар маданиятининг милодий III-II асрлар комплексига хос кенг бўғизли, бўғзи тарам-тарам новли, бир қулоқли кўзалар пайдо бўлади. Арқонсимон нақшли идишлар, айниқса ошхона идишларида кўпаяди, улар орасида қора ва қизил ангоб билан пардозланган идиш хиллари кўпчиликни ташкил этади. Унинг устини қуйик ранг ёрдамида тарам-тарам гул билан қоплаш анъанага айланади. Кулолчиликда жетиасар таъсири кўзалар бўғзида тарам-тарам нақшларнинг пайдо бўлиши ва кўнгира (фестон) гулли жумракли идишларнинг кенг ёйилиши билан боғлиқ эди.

Бу босқичнинг яна бир муҳим белгиси бўйдор хурмача ва кружкалар дастасини реал ҳайвонсифат шаклда расмийлаштириш кенг кўламда ривож топади. Сирти тўлқинсимон чизма нақшли бир дастали кўзалар пайдо бўлади. Илк бор лагансимон идиш ёки босма бармоқ изли гуллар солинган сопол дастурхонлар пайдо бўлади[12,149]. Чоч воҳаси ёдгорликларида учрайдиган бундай гулли стол-дастурхонлар Сўғд, қадимги Фарғона, умуман Мовароуннахрнинг VII-VIII асрлар керамикаси учун характерлидир.

Чоч воҳасидаги Қовунчи-З комплексида монументал мъеморчилик ва мудофаа тизими янада ривожланишда давом этади. Оташпарастлик ибодатхоналар



комплексини қуриш ва улар қошида вағнзе мулкини ташкил этиш таркиб топади. Шахристон атрофи мудофаа деворлари билан ўраб олинади. Воҳанинг йирик шаҳарларида урбанистик жараёнларнинг жадаллашгани боис, шаҳарда иккинчи шахристон ҳам таркиб топа бошлайди. Воҳада эрамиз бошларидан дехқончилик маданиятининг ривожланиши билан узвий боғлиқ ҳолда бошланган илк шаҳар ҳаёти хунармандчиликнинг турли соҳаларини юксалишига, табиий ер ости хомашё бойликларининг ўзлаштирилишга, биринчи навбатда, тоғ саноатини ривожланишига олиб келади.

Қовунчи-3 давридан бошлаб чорвадорлар фаолияти туфайли, тоғ саноати ҳам иқтисодиятнинг асосий йўналишига айланади. Руда қазиш, янчиш, рудани маҳсус (диаметри 1-1,20 см) қўраларда эритиб, соф металл хомашёси олиш, ундан меҳнат ва ҳарбий куроллар ясаш, шунингдек, тоғ саноатида меҳнат тақсимоти бошланади, яъни металлургия ишлаб чиқаришда ихтисослашиш жараёни жадал кечади. Металл конларига бой ҳудудларда (Оҳангoron водийси ва Чотқол тоғлари водийларида) металл ишлаб чиқаришга ихтисослашган марказлар пайдо бўлади.

Кулолчилик соҳасида сиртига бироз пардоз берилиб, усти қисман дудланган қизил рангга бўялган кулранг сополлар кенг ёйилади. Олдинги босқичларга хос идиш турлари деярли сақланган ҳолда, керамика комплексида арқонсимон бўртма нақшли ва чекма гулли сополлар кўпаяди. Дастаси турлича сопол қопқоқлар, паст бўйли хурмачалар ясаш авж олади. Салмоқдор яхлит оёқли пилта чироқдон ва исириқдонлар пайдо бўлади. Ошхона билан боғлиқ асбоб-анжомлари таркибида шохдор қўчқор бошли қозонтирғичлар ўрнини новвос тумшук қозон таг курсилари эгаллади.

Илк ўрта асрлар кулолчилиги ҳам ясалиши ва шакл хусусиятларига кўра икки бир-биридан фарқ қиласиди. VI асрнинг иккинчи ярмида ҳам кулолчиликда эфталийлар даври сопол идиш шакилларини сақланиб қолиши билан ифодалаш мумкин. Милодий эранинг VII асидан бошлаб кулоллик маданиятида кўчманчилар нуфузининг таъсири ошиб идишларда, ўйма нақш, кўрсатгич чизиқсимон безаклар пайдо бўлади. Шунингдек туркларнинг метал, заргарлик буюмлари, қурол-аслаҳа ва безакли тақинчоқлари, юқори сифатли санъат асари сифатида қадрланиб, тезда Ўрта Осиёнинг ўтроқ аҳолиси ҳаёт тарзига кириб боради” [13,150-151]. Бу даврда “Жети-Осор” ва “Қовунчи маданияти”га мансуб кулоллик буюмларини Ўрта Сирдарё минтақасида қўлланиши давом этади. Қувурсимон жумракли, сирти суюқ ангоб билан бўялган идишлар турмуш тарзида ҳамон катта ўрин тутади. Бу ҳолни VII асрга



келиб Сирдарёнинг ўнг соҳили мавзейларидан Жиззах воҳасига янги-янги чорвадор кўчманчи гурухларнинг кириб келиши ва ўтроклашиши билан изоҳлаш мумкин.

Антик даврига хос (Қовунчи-1 ва Қовунчи-2 босқичларига хос) майдада зооморф ва антромоорф сюжетли терракота ҳайкалчалар таркибида ҳам ўзгаришлар юз беради, яъни Қовунчи-3 даври қатламларида катта ҳажмли ҳайкалсозлик, шунингдек, ибодатхона ва аслзодалар қасрлари мажмуаси безагида зооморф ва антромоорф сюжетли бўртма-қабариқ скулптура фризлари (пирамон) пайдо бўлади. Бу пайтда Чоч хукмдорларнинг иконографик образларини, акс эттирувчи тангалар ҳам зарб қилинган.

Маҳаллий анъаналарга асосланган моддий манбалардаги бундай сифат ва шакл ўзгаришлари фанда “Қовунчи маданияти” номини олган. А.А. Асқаровнинг таъкидлашича, “Унинг этник асосини маҳаллий сўғдийлар ва Сирдарё бўйи туркий қабилалари ташкил этарди. Улар таркибига хунларни кириб келиши туркий этнос қатламини қалинлашувига олиб келади. Ана шу қурама этноснинг моддий маданияти “Қовунчи маданияти” номи билан фанда ўрин олган” [14,277]. Шундай қилиб, Қовунчи маданияти бир неча аср давомидаги ижтимоий сиёсий ва этно маданий жараёнларнинг маҳсули бўлиб, у нафақат Уструшона халқлари балки, Ўзбекистон халқлари моддий ва маънавий ҳаёти тарихида муҳим аҳамият касб этган.

Хуллас, Ўрта Осиёда, жез давридан бошлаб икки хил хўжалик вакилларининг фаол маданий алоқалари кузатилиб, бу жараён, айниқса, антик даврда кўчманчи чорвадор қабилаларнинг дехқончилик воҳалари томон ёппасига кириб келиши натижасида яна ҳам кучаяди. Натижада, Уструшонада ҳам Қовунчи маданиятига хос моддий маданият намуналари кенг ёйилади. Кўплаб аҳолининг кириб келиши бирламчи аҳамият касб этмасада, маҳаллий маданият намуналаридаги сифат ўзгаришларига катта таъсир ўтказган. Айни пайтда, даштдан кириб келган аҳолининг секин-аста ўтроклашиб, маҳаллий аҳоли билан қоришиб бориши, воҳада этник ва ижтимоий сиёсий ҳаётнинг янада жонланишига сабаб бўлган.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Филанович. М.И. Ташкент зарождение и развитие города и городской культуры. Ташкент, 1983. С. 38-44.
2. Филанович. М.И. К интерпретации погребений в нижнем горизонте Шоштепы в Ташкенте // ИМКУ. Вып. 25. Ташкент, 1991. С.138.



3. Горбунова Н. Г. Некоторые особенности формирования древних культур Ферганы // АСГЭ –Л.: 1984, -№ 25. –С. 102.
4. Обельченко О.В. Миранькульские погребение // ИМКУ– Ташкент: 1969, – №8. –80-90 с.
5. Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Ташкент, 1982, с.72-74.
6. Массон В.М. Культурогенез древней Центральной Азии. Санкт Петербург: Санкт Петербургский государственный университет, 2006. С. 62.
7. Брыкина Г.А. Юго западная Фергана в первой половине 1-тысячелетия нашей эры. Москва, 1982. С. 77.
8. Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар. “Фарғона”, Фарғона, Б. 191-192.
9. Асқаров А.А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Тошкентт, 2015. Б. 312.
10. Тошбоев Ф.Э. Уструшона халқларининг ҳарбий қуроллари хақида дастлабки мулоҳазалар. Ўзбекистон археологияси № 7 Тошкент-Самарқанд: 2013 Б. 66-73.,
11. Левина Л.М. Керамика и вопросы хронологии памятников джетыасарской культуры. В сб. Материальная культура народов Средней Азии и Казахстана. Москва, 1966, с. 89.
12. Пардаев М.Ҳ. Жиззах воҳасининг VII-VIII асрлардаги кулоллик идишлари // ЎММТ. 30- нашри. Самарқанд, 1999. – Б. 149.
13. Пардаев М.Ҳ. Илк ўрта асрларда чўл маданиятининг Жиззах ва Бухоро воҳасига таъсири. // ОНУ, Т., «Фан», 1998. №4-5.Б. 98
14. Асқаров А.А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Тошкент, 2015. Б.277.